



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 30 август, № 181 (8524)

Чоршанба Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



УЛУҒ АЙЁМ ОЛДИДАН БАРЧА СОҲАЛАРДА ЮКСАК НАТИЖАЛАР ҚАЙД ЭТИЛМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 29 август куни Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишлари, турли соҳаларда ишга туширилаётган янги объектлар билан танишди.



Мустақиллик ҳалқимизга эркинлик, рўшонилик олиб келганидек, ҳар йили бу айёмда яхшилиги янгиликлар кўп бўлади. Бу йил ҳам барча ҳудудда иқтисодий-ижтимоий иншоотлар ишга туширилмоқда.

Улуғ айём олдинда давлатимиз раҳбари пойтахтимиздаги ана шундай бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Президентнинг 2022 йил 27 апрелдаги божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир Фармонида соҳани рақамли трансформация қилиш, хизматлар сифати ва тезкорлигини ошириш чора-тадбирлари белги-ланган эди. Жумладан, шу мақсадда Божхона қўмитасида Божхона расмий-лаштируви маркази барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу мажмуани бориб кўрди.

Бу ерда Маълумотларни қайта ишлаш маркази, Массофавий электрон декларациялаш пости, Call-марказ, Таргетлаш ва хавфларни бошқариш бўлими ташкил этилган. Ахборот тизими хорижий давлатлар, мамлакатимиз вазирилик ва идоралари, ташқи иқтисодий фаолият вакиллари, авиакомпаниялар маълумотлари билан интеграция қилинган. Ишни ташкил этишда тadbиркорларнинг тақлифлари ҳам инобатга олинган.

Маълумотларни қайта ишлаш маркази амалдаги захирага нисбатан ўн баробар катта ҳажмли замонавий серверлар, компьютер ва бошқа зарур ускуналар билан жиҳозланган. Бу алоқа каналлари тезлигини 5 баробарга оши-

риш ва расмийлаштирув вақтини 2 баробарга қисқартиришни таъминлайди. Бугун тизим киберхужумлардан ҳимояланган.

Массофавий электрон декларациялаш постида дастлабки босқичда Тошкент шаҳри тadbиркорлари масофадан туриб юборадиган божхона юк декларацияларини тезкорлик билан расмийлаштириш йўлга қўйилди. Кейинчалик бу билан республикадаги барча расмийлаштирув жараёнларини қамраб олиш режалаштирилган.

Call-марказда божхона органларининг 11-08 "ишонч телефони" ҳамда қўмита веб-сайти орқали келиб тушаётган мурожаатларга жавоб берилди. Таргетлаш ва хавфларни бошқариш бўлими Жаҳон божхона ташкилоти билан ҳамкорликда, ривожланган давлатлар тажрибаси асосида очилган. Бу ерда тезкор тузилмалар томонидан божхонанинг 50 та, Жаҳон божхона ташкилотининг 3 та ахборот дастури, 30 дан ортиқ идоралар ва хорижий божхоналарнинг маълумотлари таҳлил қилиниб, хавф-хатарлар баҳолангани ва барча божхона постлари фаолияти масофадан бошқарилади.

Марказий божхона лабораторияси ҳам экспертиза жараёнларини қисқартириш ва аниқлигини оширишга қаратилган илғор ускуналар билан жиҳозланди.

Умуман, Президент Фармони асосида соҳа рақамлаштирилиши натижада божхона расмийлаштируви вақти ўртача 2 баробар қисқарди. Масалан, шу вақт экспорт йўналишида 2017 йил-

да 5 соат 42 дақиқа эди, 2023 йилда 30 дақиқани ташкил этмоқда.

Импорт товарларининг 80 фоизи ва экспорт товарларининг 89 фоизи сод-далаштирилган тартибда расмийлаштирилмоқда. Божхона юк декларацияларини сунъий интеллект ёрдамида автоматик расмийлаштириш ҳажми ҳам оширилмоқда.

— Бу шaroитлар, натижалар, албатта, одамни қувонтиради. Лекин рақамлаштириш шундай жараёнки, бир жойда чекланиб қолмайди. Соҳада қилинган ишлардан кўра қилиниши керак бўлган вазифалар кўп. Шунинг учун қўлайликларни мунтазам ошириб бориш зарур. Тизим фаолиятига тadbиркорлар баҳо бериши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Импорт тарихининг таҳлили асосида маҳаллий тadbиркорларга тақлиф бериш, божхона ҳудудида қайта ишлашнинг кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди. Ходимларнинг моддий-ижтимоий шарoитларини яхшилаб, тизимни коррупциядан холи соҳага айлантириш вазифаси қўйилди.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманида иккита йирик шифо маскани — Миллий тиббиёт маркази ҳамда Республика иختисослаштирилган оториноларингология ва бош-бўйин касалликлари илмий-амалий тиббиёт маркази барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил ноябрда уларнинг қурилишини келиб кўрган, бу ерда қандай имкониятлар бўлиши лозимлиги ҳақида кўрсатмалар берган эди. Муассасалардаги бугунги замона-

вий шарoит ва иш тартиби шунинг амалий ижроси, дейиш мумкин.

Шифо маскани ҳудуди тўрт гектардан ортиқ. Жами бир ярим минг квадрат метр майдонга эга етти та бино барпо этилган. Қурилиш ва жиҳозлашда хорижий илғор тажрибасига таянилган. Шу боис архитектураси мукамал. Шошилич ёрдам, реанимация, инфекцияли ҳолатлар — барчаси инobatга олинган.

Миллий тиббиёт маркази, бошқа шифохоналардан фарқи равишда, универсал бўлади. Бу ерда жаррохлик, урология, трансплантология, травматология-ортопедия, гинекология, кардиохирургия, нефрология, кардиология, эндокринология, кардиоревматология, стоматология ва бошқа бўлимлар ташкил этилган. Жами 169 турдаги мингтадан кўп илғор тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилган.

Марказ беш юз ўринга мўлжалланган. Амбулатор ва стационар тартибда икки юздан ортиқ тиббий хизматлар кўрсатилади. Йилига уч мингдан зиёд, жумладан, аорта-коронар шунтлаш, эстетик-пластик хирургия, артропластика, орган ва тўқималарни кўчириб ўтказиш каби юқори технологик жаррохлик амалиётларини бажариш қуввати мавжуд. Марказда мамлакатимизнинг олис ҳудудларидаги беморларга масофадан ташхис қўйиш, даволаш имконияти яратилмоқда.

Муассаса фаолиятида Германия, Туркия, Жанубий Корея каби давлатларнинг етакчи клиникалари билан ҳамкорлик қилинади. Чет эллик шифокорлар, ўзимизнинг хорижда малака оширган мутахассисларимиздан иборат жамоа — 250 нафар шифокор, 500 нафар ўрта тиббиёт ходими фаолият олиб боради. Бундай имкониятларга эга марказ мамлакатимизда биринчиси. Қорақалпоғистон ва вилоятларда фаолият юритаётган кўп тармоқли клиникалар у билан боғланган.

Президент мажмуа ҳудудидаги Республика иختисослаштирилган оториноларингология ва бош-бўйин касалликлари илмий-амалий тиббиёт марказида ҳам бўлди.

Бу марказ мазкур касалликларни даволаш билан бирга мамлакатимизда оториноларингология йўналишидаги ишларни мувофиқлаштиради. Бу ерда "Юқори нафас йўллари аъзолари физиологияси ва патологияси", "Эшитиш ва мувозанат аъзолари физиологияси ва патологияси", "Фонитрия ва ринохопатия" илмий лабораториялари ташкил этилди. Симуляцион амалий лаборатория, жаррохлик хоналари ва 60 та ўрин-жой замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди.

Давлатимиз раҳбари ушбу марказлардаги қўлайликлар билан танишди, шифокорлар билан суҳбатлашди. Соҳа маъсуллари билан мулоқотда ушбу марказлар ёнида хорижий тиббиёт институти ташкил этиш, кадрлар малакасини ошириш, касалликлар профилактикаси-

ни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев янги-ланган Республика болалар кутубхонасини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари фаолиятининг илк кунларидан ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. 2017 йилда китоблар нашр этишни ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш бўйича Президент фармойиши қабул қилинган эди. Китобхонларни рағбатлантириш йўлга қўйилди.

Бу сўбатнинг яна бир ифодаси сифатида яқинда Республика болалар кутубхонаси янгиланди.

1907 йилда қурилган тарихий бино реставрация қилиниб, замонавий жиҳозланди. Бугун муассаса ҳар жиҳатдан қўлай, шинама ва ёруғ. Энди у нафақат болалар, балки катталарнинг ҳам сеvimли масканига айланмоқда.

Кутубхона ўзбек ва жаҳон болалар адабиётига оид 180 минг китоб фондига эга. Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланилаётгани ходимлар ишини энгиллаштириб, китобхон болаларга қўшимча қўлайлик яратган. Жумладан, ташриф буюрувчилар махсус ID-карта олади. У орқали китобхонларни рўйхатга олиш, китоб олиш ва топшириш жараёнлари электрон тарзда ташкил этилади.

Электрон кутубхонани ривожлантириш, видео ва аудиоресурслар фондиди бойитиш, фойдали веб-контентлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аудиокитобларни тинглаш хонаси ташкил этилган.

Президент ушбу шарoитларни кўздан кечириб, китоб ўқийтган ва чет тилларни ўрганаётган болалар билан мулоқотда бўлди.

Давлатимиз раҳбари кутубхонани мактаблар билан самарали боғлаб, 180 минг китоб фондидан уларни баҳармон қилиш, бу ерга кўпроқ ёшларни жалб этиш зарурлигини таъкидлади.

Муассасада халқаро конференция, семинар ва бошқа тadbирларни ҳам бевосита, ҳам онлайн ўтказиш имкони яратилган. Ҳудуд ободонлаштирилиб, янги қиёфага кирган. Мўъжазгина амфитеатр ташкил этилган.

Кутубхонага автотранспорт ажратиш, янги китоблар сотиб олиш бўйича кўрсатма берилди.

Пойтахтимиз жамоат транспортини метрополитеннинг ўрни жуда катта. Унинг камровини кенгайтириш мақсадида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ер усти метроси вужудга келди.

Ўтган йилларда бу улкан лойиҳанинг биринчи босқичи ва Сергели йўналиши очилган эди. Жорий йилда иккинчи босқич — Қўйликдан Сергелига бўлган ер усти метроси қуриб битказилди.

Президент ушбу транспорт иншоотини бориб кўрди, жамоатчилик вакиллари билан бирга метрода юрди.

— 2017 йилда бу лойиҳани бошлаганимизда ишонмаганлар ҳам бўлган эди.

Мана, Худого шукр, ер ости ва ер усти метро йўллари боғланиб, халққа айланди. Тўғри, оғир бўлди. Лекин халқимизга хизмат қиладиган, тарихда қоладиган йўл бу. Одамларимиз, фарзандларимиз бунда юриб, давлатдан рози бўлса, ниятимизга етган бўламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мазкур иккинчи босқич доирасида 12 километр эстакада йўл ва 7 та бекат барпо этилган. Бу оралиқдаги қатнов вақти 15 дақиқани ташкил этади. Бир кунда 40 мингдан ортиқ йўловчиларга хизмат кўрсатилади.

Умуман, бугун Тошкент метрополитенининг жами узунлиги 70 километрдан ошди. Шундан 38 километри 1977 йилдан кейин бунёд этилган бўлса, охириги 7 йилда 32 километр метро йўли қурилди. Бекатлар сони 50 тага етди. Метрода юрвчи кўлик йўловчилар сони 750 мингга етиши кўтилмоқда.

Бундан ташқари, жорий йилда пойтахтимизга мингта автобус олиб келинди. Натижада жамоат транспортидан кунига 1 миллион 400 минг нафарга яқин йўловчи фойдаланмоқда. Бу шахсий транспортларга эътиёжни, пировардида кўчаларда тибрандликни камайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари Сергели туманидаги Янги Бунёдбод маҳалласида бўлиб, шарoитларни кўздан кечириди.

Бу ерда 6 мингдан зиёд аҳоли яшайди. 13 та кўп қаватли уй, мактаб, болалар ва ўсмирлар спорт мактабида барча шарoит яратилган. Маҳалланинг драйвери — хизмат кўрсатиш. Яқинда маъмурий хизмат шохбчалари, тикувчилик корхонасини ўз ичига олган иш маркази барпо этилди. Уларда маҳаллий ёшлар фойдали меҳнат билан банд.

Президент тикувчилик корхонасидаги аёллар билан суҳбатлашди. Унинг раҳбари аёллар тadbиркорлигига берилаётган имкониятлар туфайли янги ускуналар олган, фаолиятини кенгайтирган.

— Биз нима учун хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратамиз? Чунки бу оилага, фарзандларимизга, келажак авлодларимизга эътибордир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Фуқаролар йиғини биноси замонавий қиёфага эга. Бу ерда кутубхона, тил ўрганиш тўғрақлари ҳам бор. Маҳалла ҳудуди ободонлаштирилган. Ўйин ва спорт майдончалари ташкирланган. Икки йилда маҳаллада биронта жиноят содир этилмаган.

Маҳалла раиси ва фаоллари билан суҳбатда ёшлар бандлигини таъминлаш, маданий тadbирлар ва мусобақалар ташкил этиб, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳақида сўз борди. Туман раҳбарларига ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларни қўйайтириш, куз-кўш мавсумига тайёргарлик бўйича кўрсатмалар берилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АБВАЛБОВ,
ЎЗА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!



ШУҲРАТИНГ ПОРЛАСИН ТОКИ БОР ЖАҲОН!

Инсон қачон бахтни ҳис этади? Қачонки, кўнгли хотиржам бўлса, эртага ҳам яна қуёш чиқишини, яна сокин ва мусаффо тонгни кутиб олишини ҳис этиб турса, ейишга бир бурда нони бўлсаю уни эмин-эркин тановул қилса, яқинлари меҳри, эътибори оғушида яшаса, шунинг ўзи туганмас бахт! Энг муҳими, қалб ҳаловатининг ҳам, фараҳбахш тонгланинг ҳам, осмонининг мусаффолигию тўрт мўчамизнинг саломатлиги ҳам, орзу-ниятларимиз рўёби ҳам биргина неъмат билан боғлиқ. У ҳам бўлса — мустақиллик, ҳурлик, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқи.

Мана, халқимиз ана шундай саодатга эришганига 32 йил бўлмоқда. Истиқлол тантаналари бутун мамлакатимиз бўйлаб катта хурсандчилик, шоду хуррамлик билан кутиб олинмоқда. Президентимизнинг 2023 йил 27 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш

тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, энг улғу, энг азиз байрамимиз "Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!" деган бош ғоя остида нишонланаётгани ҳам бежиз эмас. Зеро, ушбу ҳужжатда таъкидланганидек, мустақил тараққиёт йўлидаги кенг қўламли ислохотларимизни изчил давом эттириш, барча соҳа ва тармоқлар ривожини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида бугунги кунда юртимизда милли, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро эркин ҳамда фаровон яшайдиган янги жамият ва давлат барпо этилмоқда.

Истиқлол берган имкониятлардан, озод ва хур яшаш, ўз истак-интилишларини рўёбга чиқариш ҳуқуқидан унумли фойдаланиб, меҳнатда улкан муваффақиятларга эришяётган, янгиланаётган Ўзбекистон шухратини жаҳон узра кен ёётган фидойи юрдошларимиздан баъзиларининг фикр-мулоҳазаларини, дил сўзларини ёзиб олдик. Газетамизнинг 2 ва 3-саҳифаларида улар билан танишасиз.

ЮРТИМИЗНИНГ КЎРКАМ ЖАМОЛИ ИЗЛАНИШЛАРИМГА ҚАНОТ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 32 йиллиги арафасида Президентимиз Фармони билан бир гуруҳ ҳамюртларимиз Ватан олдидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун давлатимизнинг фахрий унвонлари, юксак орден ва медаллари билан тақдирланди.

Андижон вилоятининг олис қишлоқларидан бирида чўпон оиласида туғилган, 13 ёшидаёқ кўнгирақдек овози, бетакрор кўшиқлари билан халқимиз меҳрини қозонган, ҳозирги кунда Асака тумани маданият бўлими қосидаги ансамбль хонандаси Жўраева Санобар Раҳмонова "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими" фахрий унвони билан тақдирланди.

Дўппи кийган қизалоқ

Ёши катта авлод вакиллари яхши эслашди, ўтган асрнинг 70-йиллари бошларида телевидениеда "Қуйла, Санобар!" фильм-концерти намойиш қилинган, овози жарангдор, ироқи дўппи кийган ёшгина қизалоқ ўз кўшиқлари билан ёшу кексанинг эътиборига тушиб, юракларини забт этган эди. Ҳар бир хонадонда унинг кўшиқлари янгради. Санобарлар ва Санобарга тақлид қилиб кўшиқ айтадиган қизалоқлар кўпайди ўша даврда. Шунга ҳам ярим аср бўлибди.

ШУҲРАТИНГ ПОРЛАСИН

ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ВА АНЪАНАЛАР КЎЗГУСИ

Октябрь ДОСПАНОВ,
Қорақалпоғистон Республикасининг И. В. Савицкий
номидаги давлат санъат музейи археология бўлими
бошлиғи, тарих фанлари номзоди:

— Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг 32 йиллиги тантана қилинаётган бугунги шуқул кунларда дунёга машҳур музейимизга ташриф буюраётган сайёҳлар оқими тобора ошиб бормоқда.

2023 йил бошидан Қорақалпоғистонга 200 га яқин давлатлардан 70 мингдан ортиқ хорижий сайёҳлар келди. Туристлар оқими, асосан, Италия, Франция, Германия ва Россия давлатларига тўғри келса, ўтган йилга солиштирилганда жорий йил Швейцария, АҚШ, Нидерландия давлатларидан ташриф буюрувчи сайёҳлар сони икки хисса ошди. Сальвадор, Чили, Перу, Коста-Рика,

Исландия давлатлари фуқароларининг саёҳат учун Оролбўйини танлаши мамлакатимизга дунё ахлининг қизиқиши ортаётганидан, туризм географияси кенгаётганидан далолат.

Хорижий сайёҳлар томонидан қизиқиш уйғотадиган туристик объектларга экотуризм йўналишида Устурт платоси ва Орол денгизи, тарихий маданий туризм йўналишида худудимизда сақланиб келинаётган тарихий-маданий қадимжолар киради. Яқинда Россия Федерациясининг Тула шаҳрида Россия ва Ўзбекистон музейлари вакиллари конференцияси бўлиб ўтди.



Унда маданият соҳасини ривожлантиришда тажриба алмашиш учун иккала мамлакатдан 30 нафардан зиёд музей раҳбарлари иштирок этди.

Конференцияда бугунги кунда музейда сақланаётган бебаҳо коллекция ва юртимиздаги қадимги маданий мерос объектлари тўғрисида батафсил сўзлаб бердим. Оролбўйи

халқлари маданияти, тарихи ва уларни қайта тиклаш масалаларига бағишланган маърузам иштирокчиларда қизиқиш уйғотди.

Хозир музейда 100 дан зиёд коллекциялар сақланмоқда. Маданий меросни ривожлантириш борасидаги ишларни янада кенгайтириш учун худудларда филиалларни очганимиз давлатимиз томонидан туризм соҳасига қаратилаётган улкан эътибор самарасидир. Музей тамал тошини қўйган И. В. Савицкий шарафига унинг хотирасини абадийлаштириш бўйича Президентимиз томонидан қарор имзолангани биз учун ниҳоятда қувончли, тарихий воқеа бўлди, десам, муболага эмас. Зеро, музейлар тарих ва бугунни акс эттиради. У тарихий ҳақиқат ва анъаналар кўзгусидир.

ДЎСТЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ РИШТАСИ

Даврон ТОШЕВ,
Бухоро шаҳридаги «Уста
Даврон миниатюра маркази»
раҳбари, «Дўстлик» ордени
соҳиби:



— Очиғи, мустақиллик халқ амалий санъати усталари ҳаётида туб бурилиш ясади. Хунарманднинг елкаси офтоб кўрди. Буни ўз фаолиятим мисолида ҳам айтишим мумкин. Чамаси тўрт-беш йил муқаддам вилоят ҳокимлиги кўмаги билан бизга бир гектардан зиёдроқ ер ажратилди. Тутзор барпо этдик. Шинамгина устaxonа-музей қурдик. Тутзор қадимий усулда ипак қоғоз тайёрлашимизда хомашё вазифини ўтаяпти. Тайёрланган қоғозда шогирдларим билан миниатюра асарлари яратилди. Қисқача айтганда, ишни кластер усулида йўлга қўйганимиз.

Миниатюра — неча минг йиллик тарихга эга санъат. Қўл меҳнатига асосланган бу хунар кишидан чуқур билим, ноқил дид, иштиёқ, сабр-тоқат ва маҳорат талаб қилади. Ота-боболардан мерос ушбу санъат ЮНЕСКОнинг Инсоният номодий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилгани ҳам беҳиз эмас.

Санъат халқларни бир-бирига яқинлаштиради, дўстлик ришталарини мустаҳкамлайди, деганларича бор. Миниатюра санъати ортдан дунёнинг кўплаб давлатларида бўлдим, қатор халқаро

фестиваль ва кўргазмаларда иштирок этдим, дўстлар орттирдим. Бухорога хориждан, хусусан, Европа давлатларидан атайин ташриф буюраётган Шарқ миниатюра санъати муҳлислари кўпаймоқда. Улар марказимизда бўлиб, асарларимизни синчилаб томоша қилишади. Айримлари азбаройи қизиқишдан ўзлари учун машгулот ўтказишни сўрашади. Маҳорат сабоқлари ташкил этамиз. Шу боис чет элларда ҳам шогирдларимиз борлигидан, асарларимиз дунёнинг номдор музейлари, шахсий коллекциялардан ўрин олганидан фахрланамиз.

Шу хунар этагидан тутиб, кам бўлаётганимиз йўқ. Муҳими, эртанги кундан кўнглимиз тўқ. Аждодлардан мерос санъатни кўз қорачигидек асраб-авайлаб келаётганимиздан, у орқали Ватанимизни дунёга танитаётганимиздан хурсандимиз.

ИНСОН ҚАДРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Муҳтарам ҲАСАНОВА,
Боёвут туманидаги 19-умумтаълим мактаби
директори, «Эл-юрт хурмати» ва «Меҳнат шуҳрати»
орденлари соҳибаси:



— «Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон». Давлат мадҳиямиздаги ушбу фараҳбахш сатрларни ўқир эканман, бугун янги Ўзбекистонимизнинг номи дунё узра муттасил янграётгани ёдга тушади. Эътиборлиси, Ватанимизни шарафлаш ва унинг шуҳратини жаҳонга ёйишда ўқувчиларимиз ҳам фаол иштирок этмоқда. Бунга мактабимиз фаолиятдан ҳам бир неча мисолларни келтириб ўтасак.

Масалан, ўқувчимиз Мунира Маъруфова 2021 йилнинг январь ойида мамлакатимизда бўлиб ўтган Халқаро математика олимпиадасида қатнашиб, кумуш медал соҳиби бўлди. Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида 2021 йил июль ойида ўтказилган финал босқичида эса биринчи ўрин ва олтин медални қўлга киритди. Шу билан бирга, у жаҳон бўйича юқори натижаларга эришгани учун «Дунё юлдузи — 2021» соврибига лойиқ кўрилди. Бу — чекка бир қишлоқдаги мактаб ва

унинг ўқувчиси учун жуда катта муваффақият!

2020 — 2022 йиллардаги 136 нафар битирувчимиздан 109 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди ва бу борада 80 фоизлик натижага эришилди. Албатта, бу ва бошқа кўплаб ютуқларимиз сўнгги йилларда юртимиз таълим тизимида олиб борилаётган кенг қўламини ислохотлар самараси.

Мактабимиз республика миқёсида «Энг обод таълим муассасаси» сертификатини қўлга киритган. Бунга намунали ботаника боғи ташкил этганимиз туфайли эришдик. Боғимизда 13 тур

даги манзарали, мевали дарахлар ва кўплаб бошқа зироат турлари бор. Ушбу яшиллик бир вақтинг ўзида ўқувчиларимизнинг табиат, боғдорчилик ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиришга ҳам хизмат қилаётди. Шунингдек, 16 турдаги касб-хунарга ўргатиш, 24 тадан ортиқ фан ва спорт тўғрақларимиз бор. Кейинги йилларда мактабларда ахборот технологиялари, хорижий тилларни ўқитишга алоҳида эътибор қаратилаётгани, таълим самардорлигини ошириш борасида илгор педагогик технологиялар жорий этилаётгани мактабимизда ҳам ўз самарасини бермоқда. Буни таълим муассасамизнинг республика миқёсидаги «Замонавий мактаб» сертификатини олгани ҳам далиллади.

Қарийб 25 йилдики мактаб директорини ҳам таълимчи фаолиятимга эса 44 йил бўлди. Қуни кеча Президентимиз Фармонига кўра «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотландим. Бу юксак эътибордан бошим кўкка етди. Албатта, бундай эътибор эришганимнинг энг асосий омилли юртимизда инсон қадрини, унинг меҳнатини қадрлаш устувор эканлигини деб биламан.

ДУНЁ ЭШИКЛАРИ ОЧИЛДИ

Шохрухсора АСҚАРОВА,
Германиянинг Виадрина университети
магистранти:



— Юртимизда навқирон авлодга яратилган қўлайликлар, қолаверса, китобга меҳр, илмга интилиш биз каби минглаб йигит-қизларга дунё эшикларини очди. Бу — Ўзбекистон ёшларининг дунё миқёсида рақобатбардор мутаассислар бўлиб қамолга етиши учун ташланган дадил қадамдир.

Бололигимдан китоб ўқишга ва тил ўрганишга қизиқдим. Ва мутолаа ҳаётимнинг мазмунига айланди. Фарғона давлат университети қошидаги академик лицейда ўқиб юрган кезларимдаёқ немис тилидан республика фан олимпиадасида голиб бўлиб, мuddатидан аввал мамлакатимиздаги энг нуфузли олий ўқув юрти талабасига айландим.

Шунингдек, немис тили бўйича «С1» даражадаги дипломга эга бўлганим ва қатор имтиҳонлардан муваффақиятли ўтганим туфайли 2017 йили Германиянинг Виадрина университетига грант асосида ўқишга қабул қилиндим. Бу ерда халқаро иқтисодий ёналишида яхши ўқиш баробарида немис, инглиз, рус, испан, турк, араб тилларини чуқур ўргандим. Бутун дунёдан дўстлар орттирдим. Халқаро университет шартларига кўра машҳур олий таълим даргоҳларида ҳам тахсил олдим. Германияда илмга чанқоқ

хамюртим Отабек Асқаров билан танишиб, тўйимизни Фарғонада ўтказиб қайтдик. Хозирги кунда биргаликда Германияда магистратурада грант асосида ўқиямиз. Асосий мақсадимиз — келажакда мамлакатимиз автомобилсозлик соҳасини жаҳон андозалари даражасида ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш.

Янги авлод учун яратилган имкониятлардан фойдаланиб бугунги кунда укам Муҳаммадидёр Жанубий Корейянинг Сонгшил университетида имтиёзли асосда қириб, иқтисодий ёналишида ўқияпти. Иккинчи укам Муҳаммадидёр Германияда дастурлаш соҳаси бўйича билимини мустаҳкамламоқда. Кенжабойимиз Муҳаммадрўзи Фарғона шаҳридаги 10-умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси. Жаҳоннинг энг машҳур олий таълим даргоҳларида ўқиш учун инглиз тилини кунт билан ўрганипти.

ОЛТИ ОЙДА 5 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ЭКСПОРТ

Хайдар ЎРОҚОВ,
Самарқанд туманидаги «Навобод насли
парранда» кўп тармоқли фермер хўжалиги
раҳбари:



— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодийнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Кейинги беш-олти йилда соҳани ривожлантиришга қаратилган 2 мингга яқин қонун, Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Улар асосида соҳа вакиллари кенг имтиёзлар берилди. Бундай қўлайлик ва имкониятлар натижасида янги тадбиркорлик субъектлари қўпайиб, олдидан ишлаётганлари фаолиятини кенгайтирмоқда. Кўплаб ишбилармонлар ўз бизнесини бутун мамлакат миқёсида кенгайтириш ва минглаб иш ўринлари яратишга интиляпти. Натижада ички ва ташқи бозорда ўз брендига эга тадбиркорлар синфи шаклланиб бораётди.

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилаётган Президент билан очик мулоқотда тадбиркорларимиз томонидан тушяётган муножатлар ижобий очик топилди.

Бу йилги очик мулоқотда ҳам Президентимиз юртимиз ишбилармонларининг муаммо ва тақлифларини ўрганиб, ҳулосалар асосида соҳани янада ривожлантириш истиқболларини белгилаб берди. Хусусан, бизнесни молиялаштириш, солиқ тизимини такомиллаштириш ва бизнесга солиқ юқини камайитириш, ер аж-

ратиш, инфратузилма, экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш, транспорт-логистика соҳасида жи тартиб-таомилларни соддалаштириш масалаларига эътибор қаратди. Шу асосда зарур ҳужжатлар қабул қилиниши белгиланди.

Фермер хўжалигида инкубацион тухум, бир кунлик жўжа, парранда озукаси ишлаб чиқарамиз. Ҳамкорликлар яхшилангани боис махсуслотимизни қўшни давлатларга экспорт қилишни йўлга қўйдик. Бундан ташқари, 120 гектар ер майдони олиб, узумчилик кластерини ташкил этдик. Янги корхонада йилга 10 минг тонна узум ва вино махсуслотлари ишлаб чиқарилади.

Бугунги кунда фермер хўжалигимизда 200 нафардан ортиқ ишчи ва ходимлар фаолият олиб бормоқда. Жорий йилнинг июль ойи ҳолатига Россия, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Саудия Арабистони давлатларига 5 млн. 200 минг АҚШ доллари миқдорда махсуслот экспорт қилдик.

ГЎЗАЛЛИККА БУРКАНГАН ЗАМИН

Ойбек НУРИДДИНОВ,
Наманган туманидаги «Хусанбой фирдавс
гуллари кластери» МЧЖ раҳбари:



— Оддий гулчиликнинг санъат даражасида равнақ топаётгани истисқил неъмат эмасми?! Албатта, шундай.

Табиатнинг энг жозибали инъоми бўлган гулу чечаклар азалдан инсониятни ўзига мафтун этиб келган. Яшнаган Ватан, аёл латофати, обод гўшалар, гўзалликнинг неки нафис манзараси борки, беихтиёр гулга менгазимиз. Фақат халқимизга хос бўлган аскиячиликда ҳам сўз усталари пайровнинг ҳар бандида «Гулмисиз, райхонмисиз?» дея бир-бирини баҳсга чорлайди. Кўрган кишининг бахридидини очадиган бу неъматга эҳтиром сифатида Наманганда ҳар йили алоҳида байрам ўтказиш анъананага айланган.

Кўна ва навқирон кент ахлининг гулсеварлиги кейинги йилларда соҳани шаҳарнинг чинакам «ташир қоғози»га айлантирган халқаро фестивалнинг ўзига хос мазмун-моҳияти билан кўзга яққол ташланади. Ҳаваскор ва профессионал гулчилар, корхона-ташкilotларнинг боғбонлари тажриба ва маҳоратларини намойиш этадиган бу анжуман нафақат гуллар кўргазмаси, балки Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғининг чор тарафида намойиш этилаётган куй-қўшиқлар, рақслар, дор ўйинлари, аския пайрови, спортчиларнинг чиқишлари ва бошқа миллий томошалар билан чинакам халқчил тус олади. Масалан, жорий йилда бир ой давом этган 62-халқаро

гуллар фестивалида меҳмондўст шахримиз нафосат ишқибозларини Захириддин Муҳаммад Бобур боғига 22 млн., кўна ва хиёбонларга 10 млн. ҳамда «Афсоналар водийси» тематик паркига 10 млн. тупдан ортиқ гул ва бошқа қўчатлар экан ҳолда кўтиб олди. Халқаро даражада нишонланган байрамга 6 миллион нафардан ортиқ гул шайдолари, жумладан, 40 дан зиёд мамлакатлардан 100 мингга яқин хорижий сайёҳлар ташриф буюрди. Кўнгилларга завқ бахш этувчи касб бизнинг оиламизда ҳам энг сеvimли машгулот. Ярим гектар майдондаги иссиқхонамизда 30 дан кўпроқ турда нодир кўчатларни парварайшимиз. Утган йили маҳалламиз худудда каттагина гул бозори ташкил қилдик. Хориждан келтирилган ноёб навларни маҳаллийлаштириб, ҳамюртларимизга етказиб бераётган бўлсак, ўзимизнинг бераётган ифорога эга, йилбўйи яшанб турадиган кўлаб турдаги кўчатларимиз ташқи бозорга чиқаришмоқда.



Сирожидин ВОҲИДОВ олган сурат.

УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР МЕВАСИ

Нафиса ҲАМРОЕВА,
Жиззах давлат педагогика университети доценти (PhD),
биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD):



— Тарихан қисқа, лекин халқимиз учун сермазун ва самарала бўлган 32 йил давомида бошқа соҳалар каби олий таълим йўналишида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Хусусан, изчил ислохотлар натижасида кейинги етти йилда олийгоҳлар 3,5 баробар кўпайиб, уларнинг сони 200 тадан ошди. Олий таълимга қабул квотаси мунтазам кенгайиб бормоқда.

Юртимизнинг эртанги куни ва ривожини йўлида қандай ишлар амалга оширилмасин, чуқур ўйланган дастурлар тузилмасин, бу режаларни рўёбга чиқариш бевосита мутахассисларга бориб тақалади. Янги Ўзбекистонни барпо этиш, юксак иқтисодий тараққиётга эришиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда олий таълимнинг ўрни беқис.

Жиззах давлат педагогика университетида бугунги кунда 13 та факультет бўлиб, унда 20 мингдан кўпроқ талабалар тахсил олади. Кейинги 5-6 йил давомида Буюк Британия, Франция, Россия каби 45 та хорижий давлат билан яқиндан алоқа ўрнатиб, ўзаро тажриба алмашиш йўлга қўйилди. Ёш

олимларимиз ва тадқиқотчиларимиз нуфузли университетларга бориб, «стажировка» ўташ билан бирга, дарс ҳам беришмоқда. Базиллари янги технологияларга асосланган лабораторияларда илмий тадқиқотлар олиб бориб, ўз илмий ишларини ҳимоя қиляпти.

Яқин йилларда ўзим ҳам 60 дан зиёд илмий мақолалар эълон қилиб, 2 та ихтиро патенти ва битта муаллифлик ҳуқуқномасига эга бўлдим. Илмий ёндашувларимни тартибга келтириб, битта монография ва 5 та услубий ишланма муаллифига айландим. Жанубий Кореяда ўтказилган Халқаро аёллар иштирокчи кўргазмасида «Каперс ўсимлигини етиштириш усуллари» мавзусидаги ихтиром билан қатнашиб, кумуш медалга сазовор бўлганим мени жуда рўжлантирди. Буларнинг бари юртимизда илм аҳлига яратилган улкан имкониятлар мевасидир.

ТОКИ БОР ЖАҲОН!

ТУРИЗМ — ЯНГИ ДАВР ТАДБИРКОРЛИГИ

Зайнаб АБДУЛЛАЕВА, Жива шаҳридаги «Мирзобоши» оилавий корхонаси раҳбари, «Меҳнат шухрати» ордени соҳибаси:



— Бугунги кунда туризм тадбиркорлигининг асосий драйверларидан бири сифатида эътироф этилаётган. Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари бор. Бу борада яратилган имкониятлардан фойдаланиб, «Мирзобоши» оилавий корхонасини ташкил қилдик ва туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини бошладик. Яъни Ичан қалъа ҳудудида шаҳарнинг қадимий кўринишига мос дизайнга эга, сайёҳлар учун барча

кулайлик яратилган меҳмонхона ва ресторан барпо этдик.

Хорижлик сайёҳлар тарихий обидаларни томоша қилиш билан бирга миллий таомларимизга жуда қизиқади. Шу боис сайёҳлар учун тандирда нон ёпиш ва миллий таомларни тайёрлаш бўйича маҳорат дарслари ўтказамиз. Фарзандларимнинг уч нафари университетда хорижий тиллар йўналишида тахсил олишгани сайёҳлар билан мулоқотда кулайлик туғдиради.

Хоразмнинг сайёҳлик салоҳиятини намойиш этидиган тури фестивалларни ташкил қилиш, туризм инфратузилмасини яхшилаш натижасида 2023 йилнинг январь — июль ойларида вилоятимизга бир ярим миллиондан зиёд сайёҳлар ташриф буюрди. Уларнинг 300 минг

нафари 120 та хорижий давлатдан келган сайёҳдир. Жорий йил бошидан бери Хивага келган маҳаллий сайёҳлар сони ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 2,7 баробарга ўсди.

2024 йилда Хиванинг «Ислоом дунёси туризм пойтахти» деб эълон қилиниши бу кўхна шаҳарга келувчи сайёҳлар сонининг яна бир неча баробар ортишига имкон яратади. Шунингдек, 2023-2024 йилларда Хивада гастрономик фестивал, Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишланган халқаро баҳодирлар ўйини мусобақалари, «Халқаро зиёрат туризми ҳафталиги» доирасидаги тадбирлар бўлиб ўтади. Шу сабабли яна 150 ўринга мўлжалланган замонавий меҳмонхона қуришни режалаштирдик. Яқинда Президентимизнинг тадбиркорлар билан очик мулоқотида билдирилган фикрлар бизга фаолиятимизни янада кенгайтиришга куч ва рағбат берди.



Фозилдин АБИЛОВ олган сурат.

ҲАМЖИҲАТЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Баҳодир ЯНГИБОЕВ, Китоб туманидаги «Яккатут» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Содиқ хизматлари учун» медали соҳибаси:

— Кейинги йилларда маҳалла институти, том маънода, мустақил, эркин бўлиб, ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тузилмаси сифатида самарали фаолият кўрсатмоқда. Бугун бевоқиф аҳоли шарафининг иштирокчиси эканидан фахрланаман. Барчамизга яхши аёнки, илгари маҳалла раисидан деярли ҳеч қандай ваколат йўқ, у турли ташкилотларнинг югур-югурини бажаришдан ортмас, боши ғалвадан чиқмасди. Бугун эса маҳаллада иш бўлганда, натижада халқ олдига унинг нуфузи ортиб бормоқда.

Айни пайтда маҳалламизда 1048 та хонадонда 5 минг 774 нафар аҳоли



истиқомат қилмоқда. Деярли барча хонадондагилар деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиди. Маҳалланинг «Ўшиш нуктаси» сифатида дуккакли экинларни етиштириш

белгилаб олинган. Деҳқон ҳўжаликларида ҳам, аҳоли томирқаларида ҳам, асосан, нўхат, шунингдек, мош, ловия етиштирилади. Бундан яхши даромад олаёلمиз.

Ўтган йили маҳалламизда «Kitab Silkworth eggs» ипак курти уруғини тайёрлаш корхонаси ишга туширилди. Бу корхонада қирққа яқин фуқаролар доимий иш ўрнига эга бўлган бўлса, мавсум давомида маҳалламиздаги 500 нафарга яқин хотин-қизлар ушбу корхонада шартнома асосида ишлаб, яхши даромад олишмоқда. Иккита тадбиркоримиз сутни қайта ишлаш цехини очган. Уларда кунига 8 — 10 тоннадан сўт қайта ишланмоқда. Маҳалламиз аҳли ҳам, қўшни маҳаллалардагилар ҳам ҳар кун истеъмолдан ортқча сутни келтириб, ушбу корхоналарга сотади.

Албатта, маҳалламизда амалга оширилган бу ишлар одамларга янги руҳ, шижоат бағишламоқда. Яқинда маҳалладаги уч километр йўл бўйига тунги ёритқичлар ўрнатилди бўйича аҳолининг ўзи ташаббус билан чиқди. Натижада бу ишни хашар ва ҳомийлик йўли билан амалга оширдик. Энди тунда ҳам маҳалланинг чароғонлигини кўриб, кишининг дили яйрайди.

Президентимизнинг 2023 йил 27 августдаги Фармонида асосан «Содиқ хизматлари учун» медали билан мукофотландим. Бу аслида, бутун маҳалламиз аҳлига берилган мукофот деб биламан. Шу эл, шу маҳалла аҳли билан ҳамкорликда, ҳам-халқликда меҳнат қилаётганимдан бахтиёрман.

ВАТАНИМ МЕНГА ТАЯНЧ

Ҳасанбой ДЎСМАТОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи:



— Боксчи сифатида юртимиз шаънини дунёга ёйишга ҳисса қўшаётганимдан жуда фахрланаман. Албатта, бу ютуқлар замирида Мустақиллик ва у берган чексиз имкониятлар мубоҳасам, десам, сира муболага бўлмайди.

Бу туйғу мени тинимсиз меҳнат қилишга, юрт шаънини муносиб ҳимоя этишга доим ундаб туради. Шу кунгача 17 марта халқаро мусобақалар ғолиби сифатида юрт байроғини юксакка кўтардим. Айниқса, 2015 йили Таиландда бўлиб ўтган Осиё чемпионати ҳамда 2016 йили Бразилиядаги Ўзбекистон Олимпия йўналишида шохсупанинг юксак поғонасидан ўрин олганимда қўллаб-қувватлаб турган халқим, мустақил Ватаним борлиги менга руҳан таянч, кўмак бўлди.

Мустақиллигимиз шодиёналарини мамлакатимиздаги барча спортчилар қаторида мен ҳам катта ҳажон билан кўтиб олмакдан. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг шу йил 25 августдаги Фармонида кўра, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони билан тақдирлашни менга ўзгача ифтихор бахш этди. Зиммамдаги масъулият ҳисси янада ошди ва Ватан келажаги учун катта ғалабалар қозонишга бел боғладим.

— Боксчи сифатида юртимиз шаънини дунёга ёйишга ҳисса қўшаётганимдан жуда фахрланаман. Албатта, бу ютуқлар замирида Мустақиллик ва у берган чексиз имкониятлар мубоҳасам, десам, сира муболага бўлмайди.

Бу туйғу мени тинимсиз меҳнат қилишга, юрт шаънини муносиб ҳимоя этишга доим ундаб туради. Шу кунгача 17 марта халқаро мусобақалар ғолиби сифатида юрт байроғини юксакка кўтардим. Айниқса, 2015 йили Таиландда бўлиб ўтган Осиё чемпионати ҳамда 2016 йили Бразилиядаги Ўзбекистон Олимпия йўналишида шохсупанинг юксак поғонасидан ўрин олганимда қўллаб-қувватлаб турган халқим, мустақил Ватаним борлиги менга руҳан таянч, кўмак бўлди.

Мустақиллигимиз шодиёналарини мамлакатимиздаги барча спортчилар қаторида мен ҳам катта ҳажон билан кўтиб олмакдан. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг шу йил 25 августдаги Фармонида кўра, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони билан тақдирлашни менга ўзгача ифтихор бахш этди. Зиммамдаги масъулият ҳисси янада ошди ва Ватан келажаги учун катта ғалабалар қозонишга бел боғладим.

БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ ҚАЙТА ТУФИЛДИ

Шоберди БОЛТАЕВ, Ўзбекистон халқ бахшиси:



— Кейинги йилларда халқимизнинг қадим тарихи ва маданияти, миллий ўзлигини, қадриятлари ва анъаналарини ўзида мубоҳасам этган фольклор санъати, достон ва эпосларимизни бор ҳолига сақлаш ва уни келгуси авлодларга етказишга қаратилган юксак эътибор тўғрисида бахшилик санъати ўзининг янги ривожланиши даврини бошдан кечирмоқда.

Бахшилик — халқ озғаски ижодининг ноёб турларидан бири. Президентимиз таъбири билан айтганда, бахшичилик санъати, бу — инсониятнинг болалик кўшиғидир.

Маълумки, 2019 йили Термиз шаҳрида ўтказилган биринчи Халқаро бахшичилик санъати фестивали асрлар мобайнида шаклланган достончилик ютуқларимизни халқаро миқёсда тараннум этишга имкон

берди. Шу йили давлатимиз раҳбарининг «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши миллий санъатимиз ҳаётида оламшумул воқеа бўлди.

Қарорга биноан Термиз шаҳрида Республика бахшичилик санъати маркази ва унинг ҳузурда Бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Бу, шубҳасиз, бахшичилик санъатини сақлаш, уни асраб-авайлаш ва ривожлантириш ҳамда шу йўналишда иқтидорли бор ёшларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Термизда фаолият олиб бораётган бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган республика мактаб-интернатда турли вилоятлардан келган ёшлар тахсил олмақда.

Яна бир муҳим жиҳатни таъкидлашни истардим: юртимизнинг турли ҳудудларида достончилик мактаблари мавжуд. Улар бир-биридан ижро усуллари ва репертуарлари билан фарқланади. Улар орасида Шеробод-Сурхон бахшилик мактаби алоҳида ўринга эга. Бу ерда бахшичилик санъатининг улуг дарғалари етишиб чиққан. Бундан 20 — 30 йил аввал воҳожимизда бахшилар сони бармоқ билан санарли ва бу санъат турига деярли эътибор йўқ эди. Бугун эса вилоятимизнинг ўзида 200 нафарга яқин бахшилар фаолият олиб боришяпти.

Фахр шуки, ўзбек бахшилари бугун дунё саҳнасига чиқди.

қўшимча куч, елкамда қанот пайдо бўлди.

Аслида, бу — бутун жамоамизга билдирилган ишонч ва рағбатдир. Реакторлар, қулотиргичлар, фильтрловчи-пресслар, шарли тегирмонлар, насос агрегатлари ёнида доимо хушёр ишловчи жамоадорларим бундай эътирофдан ниҳоятда мамнун.

Ҳақиқий бахтнинг калити меҳнатда эканлигини яна бир бор англаётгандаймиз. Яқин тарихимиздаги тақчилликлар, оғир синовларга бардошли бўлганимиз барчамизни бугунги қувончли кунларга олиб келди. Бундан буён ҳам жамоамиз билан халқимиз турмуш фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қиламиз.

«Халқ сўзи».

БАХТНИНГ КАЛИТИ — МЕҲНАТДА

Ҳакимжан МЕРГАНОВ, «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖнинг рух заводи эритиш цехи гидрометаллургия аппаратчиси, «Меҳнат шухрати» ордени соҳибаси:

— Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида яқин ўтмишга назар ташларканман, баъзи қийинчиликлар кўз ўнгимда намойён бўлади. Бу соҳага эътибор суйсагина сабабли яқин йилларга чора хориждан келадиган айрим техника, хомашёларда узилтишлар кузатилади. Натижада ишлаб чиқариш жараёнлари пайсиди, қўлидан иш келадиган мутахассислар тирикчилик илинжида бошқа юртларга йўл олишди... Мустақиллик шарофати, давлатимиз раҳбарининг

узқини қўзлаб амалга ошираётган оқилона сиёсати тўғрисида бир пайтлар орзу ҳам қилиб бўлмайдиган ютуқларга эришмоқдамиз.

Хусусан, кейинги беш-олти йилда бизнинг комбинатимизда ҳам кўз кўриб, қулоқ эшитмаган янгиликлар бўлди. Президентимизнинг бу соҳа ривожига бўлган эътибори тўғрисида қилдирилган муваффақиятлар тўғрисида ишлаб чиқариш йилдан-йилга ошиб, ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги яхшиланди. Цехлар



янги замонавий технологиялар билан қайта жиҳозланди. Маънавий эскирган жиҳозлар замонавий ускуналарга алмаштирилди. Бунинг самараси сифатида маҳсулот сифати яхшиланиб, халқаро талабларга мослашди. Ишлаб чиқариш қуввати бир неча баробарга ошди. Бугунги кунда танлаб эритиш цехи рух заводи

«юраги»га айланди. Бу ердаги технологик жараёнлар кишидан ўта хушёрлик ва юксак қобилиятни талаб этади. Аммо баҳарлаётган ишчи-хизматчиларимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилаётганини тасаввур этсак, қийинчиликлар кўзга кўринмайди, меҳнатимиз нақадар шарафли эканидан гуруҳланамиз.

Инсон меҳнати ва эзгу ишлари билан ҳаётда қадр топади, обрў-эътибор қозонади, дегани рост. Улуг айём арафасида камтарона меҳнатимиз давлатимиз раҳбари томонидан эътибор этилиб, «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирланди. Гўё танамда

Сенат кўмитасида

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Маълумки, Олий Мажлис Сенати кўмиталари, жумладан, Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси томонидан турли вазирлик ва идораларнинг аҳоли мурожаатларини кўриб чиқишга доир фаолияти бўйича доимий ўрганиш ва мониторинглар ўтказиб келинмоқда.

Хусусан, кеча бўлиб ўтган кўмита йиғилишида давлат органлари ва бошқа ташкилотларга 2023 йилнинг биринчи ярмида келган мурожаатлар билан ишлаш ҳолатини ўрганиш натижалари кенг муҳокама қилинди. Тадбирда сенаторлар, экспертлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши доимий комиссиялари ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Муҳокама давомида 73 та давлат органи ва ташкилотнинг мурожаатлар билан ишлаш кўрсаткичлари соҳалар ва ҳудудлар кесимида таҳлил қилинган ва баҳолангани айтиб ўтилди.

Баҳолаш натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Дин ишлари кўмитаси, Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томирқал ер эгалари кенгаши, «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ, Фанлар академияси ҳамда Тошкент, Наманган ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликларида мурожаатлар мuddатидан ўтиб ҳал этилаётганлиги, қаноатлантириш даражаси пайсиди, пировардида тақро-

ри мурожаатлар кўпайгани маълум бўлди. Қайд этилганидек, йўллари таъмирлаш, атрофни маиший чиқиндилардан тозалаш, иш билан таъминлаш, раҳбарларнинг шахсий қабули, моддий ёрдам, субсидия каби масалалар билан боғлиқ мурожаатлар ортган.

Мажлис давомида Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Дин ишлари кўмитаси, Тошкент ва Наманган вилоятлари ҳокимликларининг соҳага масъул бўлган раҳбар ходимларнинг ахборотлари эшитилди.

Тадбирда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунга қатъий риоя қилиш, мурожаатлар билан ишлашни тўғри ташкил этиш, тизимли муаммолар ва уларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаб, зудлик билан ҳал этиш чораларини кўриш, тақририй мурожаатларнинг олдини олиш, уларда кўтарилган масалаларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал қилиш вазифалари белгилаб олинди.

Яқинда муҳокамадан ўтказилган масалалар юзасидан Сенат кўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология кўмитаси раиси Б. Алиқоновнинг Германия Бундестаги депутати, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ядровий хавфсизлик ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси аъзоси Кристиан Хирте билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда Конрад Аденауэр фонди вакиллари ҳам иштирок этди.

Мулоқот

Учрашувда парламентларо ҳамкорликни янада ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва «ашил» иқтисодиётга ўтиш борасидаги шериклик, шунингдек, Орол денгизи экологик ҳалокатининг атроф-муҳитга ҳамда Оролбўйи аҳолиси саломатлигига салбий таъсирини юмшатиш масалалари муҳокама қилинди.

Германия вакилларида Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза этиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги кенг қўламли саъй-ҳаракатлар, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда мамлакат парламенти, олимлар ва жамоатчиликнинг ўрни ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Орол денгизи инкирозидан жабр кўрган ҳудудларда олиб борилаётган иқтисодий, ижтимоий ва экологик ҳолатни яхшилаш бўйича дастурлар Германия вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Учрашувда Бундестаг депутати Оролбўйи минтақаси экологик ҳолатини яхшилаш,

маҳсулотлари етиштиришда «яшил» водород ва инновацион агробιοтехнологияларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш бўйича инновацион ишланмалар тақдим этилди.

Томонлар «яшил» иқтисодиётга ўтишда, хусусан, қайта тикланган энергетикани жадал ривожлантириш ҳамда инновацион ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш ва водород энергетикасини фойдаланиш бўйича парламент аъзолари, фан ва бизнес вакиллари ўртасидаги ҳамкорлик масаласини ҳам муҳокамадан ўтказди. Айниқса, Оролбўйининг шўрланган ерларида қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлигини 35 фоизга ошириш, сув сарфини 25 фоизга камайтириш имконини берувчи янги агробιοтехнологиялардан фойдаланиш масалалари меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги, жумладан, Конрад Аденауэр фонди билан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши борасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича келишувга эришилди. Шунингдек, инновацион юғлар ва технологияларни амалиётга жорий этишда Ўзбекистоннинг илмий ва эксперт салоҳиятидан фойдаланишга ҳам келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Мушоҳада

ЮТУҚ ВА МАРРАЛАРИМИЗ АСОСИ

Яна санокли кунлардан сўнг мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирини туб бурилиш ясаган, том маънода оламшумул воқеа — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинганга 32 йил тўлади. Бу тарих учун кўп мuddат эмас, лекин ўтган даврнинг ҳар дақиқаси бунёдкорлик, янгиликни, дунёга чиқиш мақсади билан чуқур мазмун ва моҳият касб этди.

Мустақиллик эл-юртимиз учун жаҳон ҳам-жамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқларида кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш учун мустаҳкам замин яратиб, барча ютуқ ва марраларимиз асосий манба бўлиб келмоқда.

Истиқлол тўғрисида халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқди, миллиятнинг гурури, орномуси, шаъни тикланди. Айниқса, сўнгги олти-етти йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилган ислохотлар мамлакатимизнинг бутун дунёга очилиши учун зарур шароитларни яратмоқда.

Ўтган қисқа даврда барча соҳада бўлгани каби таълим йўналишида ҳам катта ўзгаришлар, янгиликлар бўлди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки илм-фан, таълим ривожисиз ҳаётда юксалиш бўлмайди. Ҳозир дунё давлатларининг аксарияти асосий эътиборни илм-фанни ривожлантиришга, бу орқали ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, саноат ва бошқа тармоқларни юксалтиришга қаратаётгани боиси ҳам шунда.

Шу жиҳатдан, кейинги йилларда Ўзбекистонда таълим, илм-фан соҳасини ривожлантириш давлат сиёсатида устувор даражага кўтарилди. Ўтган олти-етти йилда мамлакатимизда ушбу соҳа раванга йўлида кўпбал хуқуқий ҳужжатлар — қонун, қарор, Фармон ва дастурлар қабул қилинди. Ўқитувчи ва мураббийларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, таълим тизимини замон талаблари асосида ташкил этиш бўйича улкан ислохотлар қилинди. Аввало, ўқитувчилар мажбурий меҳнатдан — пахта терими, ободонлаштириш ишларига жалб этилишдан халос бўлди. Таълим даргоҳларидаги ортқча қоғозбозликка чек қўйилди.

Юксак салоҳиятли ўқувчиларни тайёрлаш, маънавий йил ва интеллектуал ривожланган авлодни шакллантириш мақсадида Президент мактаблари, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилди. Ҳозир бундай би-

лим масканлари республикамизнинг барча вилоятларида фаолият олиб бормоқда. Бу мактаблар маълум фанлар бўйича ихтисослаштирилган.

Уларда ўқиб дунёнинг юздан ортқ мамлакатларида эътироф этилган «А — Level» таълим дастури асосида, фанлар чуқур ўзлаштириладиган тарзда ўқитилади. Таълим хорижий ва ўзбек тилида олиб борилади. Таълим соҳасидаги янгиликларнинг асосий қисми олий таълим тизими билан боғлиқ.

Давлатимиз раҳбари олий ўқув юртлирини ҳам, уллардаги таълим ўринларини ҳам кўпайтиришга эътибор қаратди. Шу боис олий таълим муассасалари сони 2,5 баробар ортди. Бу орқали ёшларни олийғоҳларга қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 38 фоизга оширилди.

Аҳамиятисиз, кейинги йилларда олий таълим тизимига нодавлат ва хусусий сектор, шунингдек, кўпбал хорижий олий ўқув юртли ва филиаллари кириб келди. Бу олий таълимнинг қамровини кенгайтириш билан бирга, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида ижобий маънодаги ўзаро рақобатни ҳам таъминлади, тизимда бозор қонунлари ишлай бошлади.

Таълим соҳасига бу даражада катта эътибор қаратилганлиги, таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлашга катта куч ва маблағлар йўналтирилганлиги бежиз эмас. Зеро, юртимизни тараққийнинг янги босқичига олиб чиқиш, барча куч-гайратни бирлаштириш ва фидокорона меҳнат қилиш орқали янги Ўзбекистонни, пировардида, учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этиш мумкин. Жамиятда олий маълумотга эга, юксак малакали мутахассислар қанча кўп бўлса, ривожланиш шунча тез ва самарали бўлади.

Ғайрат АБДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Хўш, ўша дўппи кийган "кызалоқ" ҳозир қаерда, санъат йўлини танлагани ёки тақдир паллахмони уни ўзга ўзанларга буриб юбордими? Бу савол ҳаммани қизиқтириди, албатта.

Сабоби, "Куйла, Санобар!" фильм-концерти орқали элга танилган ёшгина киз — Санобар Раҳмонова орадан 5 — 10 йил ўтиб, баъзи бир сабаблар билан санъат саҳнасида кўринмай қолди, унутилди ёки қимлар орқалидир унутилишга маҳкум этилди. "Лашкар хатарсиз, ёв яроксиз бўлмас", деганларидай, бу хатар ёки танаффус узок чўзилди, бир неча ўн йилларни ҳазондек супуриб олиб кетди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 3 августда маданият ва санъат вакиллари, ижодкор зиёлилар билан учрашувда ўзбек қизларига ибтидо ва ҳаёда ҳақиқий ўрнак кўрсата олган Санобар Раҳмоновани эсга олди. "Қандай кийинган, мен ёшлиқдан эсламан: сочини майда ўриб, дўппилар кийиб, ўзбекона кийинган. Ким кийдирган? Андижонда кийдирган-ку шунки. Қани ҳозир шундай урф-одатимиз?"

Ана шу гаплардан кейин ҳамма Санобар Раҳмоновани излаб қолди, излаб топди, саҳнага чорлади. Утган йиллар давомида бошига тушган барча кўргилиқларга чидаб, сабр-тоқат билан сувдай сокин юрган, лекин санъатни ўз умрининг, ҳаётининг мазмуни деб билган хонанда "қайта тугилди", тандирдан узилган нондай қайноқ кўшиқлари билан эл олдида чиқиб келди.

Энди, ҳаммаси бир бошдан...

Тоғда ўсган болалар

Урушдан кейинги йилларда ҳарбий хизмат ёшига етган йигитлар уруш асратларини тугатиш ишларига сафарбар қилинган. Андижоннинг Асака тумани олис кишлоқларидан бирида яшаётган Раҳмонали кўшни Қирғизистон Республикаси чегараларига туташ бўлган Олой тоғлари қир-адирларида чўпонлик қиларди. Уйланганига бир йил бўлганида ҳарбий хизматга қақчилди. Турмуш ўртоғи Хосиятхон 40 кунлик чақалогини бағрига босиб қолаверди. Шу кетганча, анча йил дарағи бўлмади. Кўплар уни ўлдига чиқарди. Лекин онаси Мехринисо бунинг юраги сезганми, умидини узмади, сабр-ирода билан кутди. Ниҳоят, Раҳмонали 7 йилдан кейин уйига эсон-омон қайтиб келди. Мехринисо буви қайта тугилгандай узлатдан қайтиб келган фарзанди учун элга ош берди.

Шу тарика Раҳмонали ака яна чўпонлик қасбини давом эттирди. Хосиятхон билан бир-бирининг изидан етишиб келаётган етти қиз, бир ўғилни тарбиялашга умрларини бағишлади. У эрта баҳордан пода боқиш учун оиласи билан кишлоқдан 300 чақиримлик масофада бўлган тоққа кўчиб кетар, ўша ерда ўтов текиб, тириқчилик қиларди. Фарзандлари ўқиш бошланганидан олдин, ўзи эса кеч кузда қишлоққа қайтиб келарди. Топгани фақат қора қозонни қайнатишга, саккиз фарзандни едириб-ичиришга, уст-бошига етарди, холос. Ундан орттириб сармога қилмади. Ховли-жойида курган икки хонали уйи хали битмаган, шунинг учун оила қорли-қировли кунларда колхоз томонидан кўй-кўзилар қишлоғига мўлжаллаб қурилган кўра ёнидағи омонат уйида яшашарди...

Лекин тириқчилик қанчалик оғир кечмасин, ширин-шакар фарзандлари билан тинч-тотув умргузаронлик қилаётган Раҳмонали ака билан Хосиятхон онадан бахтли оила йўқ эди уларнинг назарида. Раҳмонали ака жуда ҳазилқаш, санъатни яхши кўрарди. Таваккал Қодиров, Маммурижон Узоқовнинг кўшиқларини доим тинглаб, хиргойи қилиб юрарди.

Санобар ана шу муҳитда улғайди, 10 ёшидан дала-қирларда от минишни ўрганиб, подани бошқарди, отасига ёрдам берадиган бўлди. Лекин қаерда бўлмасин, кўшиқ айтишдан тинмасди, сингиллари ҳам унга қўшилиб, рақсга тушишар, қўшиқ куйлашарди. Отаси ҳазиллашди: "Бизнинг оиламиз "Баҳор" ансамблининг филиали!" деб кўярди.

Туроб Тўланинг юксак баҳоси

Санобар мактабда ўқиб юрган даврларида бирорта тадбир унинг кўшиқларисиз ўтмасди. Унинг истеъдодини, санъатга бўлган қизиқишини илганган мусика ўқитувчиси Ғуломжон Рўзибоев қизалоққа алоҳида эътибор қаратди. Санобар телевидениедан бериладиган "Санъат гўнчалари" кўрсатувини берилиб томоша қиларди, экрандаги қизалоқларнинг хатти-ҳаракатларига тақлид қилиб, рақсга тушарди.

Шунинг учун 5-синфдан туман, вилоятда ўтказилган "Қизлар давраси", "Куйланг, ёш хонандалар" каби танловларда қатнашди. Вилоят "Марҳаб тааланлар" танловида иштирок этишга эса ёши етмагани учун унга танловдан алоҳида ҳолда битта кўшиқ

айтишга рухсат берилади. Санобар устози Ғуломжон Рўзибоев бошчилигида тайёрланган "Андижоним" кўшигини айтганида мухлисларнинг қизгин олқишларига сазовор бўлади.

Ушбу танловда ҳаётат аъзоси сифатида иштирок этган Ўзбекистон халқ шоири Туроб Тўла қизалоқ томонидан ижро этилган кўшиқдан жуда хурсанд бўлиб, унга юксак баҳо беради: "Агар шу қизча конкурса қатнашганида 10 балл қўйган бўлар эдим", дейди.

— Ўтган аср 70-йилларнинг бошларида республика радиосининг мусикали эшиттиришлар тахририятида ишлаганман, — дейди Ўзбекистонда

келишлари ҳақида аввалдан айтиб қўйилган экан, яхши кутиб олишарди. Лекин Санобар уялиб қочиб кетади. Бир соатлардан кейин қизалоқни топиб келишарди, устози Ғуломжон Рўзибоев уни кўшиқ айтишга кўндиради. Ёғижаққа куй чалиб туради, Санобар "Андижоним" деган кўшигининг бир бандини хиргойи қилиб беради. Қизчанинг ўзини туттиши, самими, ширали овози, маромига етказиб кўшиқ айтиши пойтахтдан келган меҳмонларга маъқул келади. Санобар Раҳмонова ҳақида ҳужжатли фильм олиш бўйича бир қарорга келишарди. У пайтларда ижро этиладиган кўшиқ-

га миниб, ёш чавандоз сифатида кўшиқ айтиб, тасвирга тушган. От шунақанги чопиб бердики, ишқилиб Санобар йиқилиб тушмасин, деб ҳамма юрагини чангаллаб турди. Йўқ, у отни жуда чаконлик билан бошқарди, ўз йўриғига солиб олди... Уша пайтда ҳамма фильмлар Москвадан тасдиқдан ўтиши шарт эди. Шунинг учун "Куйла, Санобар!" фильми марказга жўнатилди. Маълум муддат кўшиқ айтиши пойтахтдан келган меҳмонларга маъқул келади. Санобар Раҳмонова ҳақида ҳужжатли фильм олиш бўйича бир қарорга келишарди. У пайтларда ижро этиладиган кўшиқ-

маётганидан хавотирга тушган шоир Анвар Исроилов уни Тошкентга қақчилриб, нима учун ижоддан тўхтаб қолганини сўрайди. Гап нимадалигини тушуниб етган "Билимлар уйи"да уч кун давомида у билан ижодий учрашувлар ташкил этади ва уни эфирга беради. Уша ерда Санобар Анвар Исроилов шеъри, Муҳаммаджон Мирзаев мусикаси асосида тайёрланган иккита янги кўшиқ ўрганиб, телевидение орқали ижро қилди.

Мактабни битираётган пайтида ҳам қизалоқлигида эришган машҳурлиги яна унга панд берди. Ҳамма битирув-

уларнинг дуоларини олишга қарор қилди. Бу орада бирин-кетин фарзандлар тугилди. Хонанда кўпроқ вақтини фарзандлар тарбияси билан ўтказарди. Улар тўрт фарзандни тарбиялаб, воёга етказишарди. Оиласи туфайли маълум муддат ижодда танаффус қилган Санобар барибир севган соҳасига яна қайтади — 2006 йилда умр йўлдоши Илхом Жўраев ва кенжа ўғли Илхосбек билан оилавий санъаткорлар гуруҳини ташкил этишарди.

Санобар Раҳмонованинг бахти шундаки, турмуш ўртоғи, қайнона-қайнотаси унинг санъатини қадрлади, уни давом эттиришига изн берди. Фарзанди Илхосбек санъат йўлидан бориб, Асакадаги маданият уйида ишлапти. Демак, санъаткорлар сулоласи анъаналари давом этаётир, ривожланоқда.

«Президентимизнинг гаплари менга қайта қанот бахш этди»

Давлатимиз раҳбари 2017 йилда санъат ва маданият ходимлари, зиёлилар билан учрашувда Санобар Раҳмонова ҳақида жуда илқ фикрлар билдирди. Бу гаплар Санобарни руҳлантирди, унга қанот бағишлади. Юрагининг туб-тубига тугиб қўйган орзулари чўлгани кетди. Қайта ҳаётга келгандай бўлди. Яна янги куч, ғайрат билан ижод қилишни бошлади.

Бир неча ўн йиллардан бўён экранлардан олиб ташланган "Куйла, Санобар!" фильми телевидение орқали берилди бошлади, ўзи муस्ताқиллик байрами муносабати билан ташкил қилинган тадбирда янги кўшиғи билан қатнашди.

Санобар Раҳмонова ўша йили санъат соҳасида эришган ютуқлари, қилган меҳнатлари учун "Дўстлик" ордени билан тақдирланди. Ёш суйган камтарин хонанда вилоятда, республикада бўлиб ўтадиган тадбирларга тақлиф қилинадиган бўлди, янги-янги кўшиқлари билан мухлислар олқишини олди.

Хотира уйғонса гўзалдир

Бундан ярим аср муқаддам, 13 ёшида бетакор овози ва кўшиқлари билан миллионлаб юракларни забт этган камтарин камсуқум, барча ҳаёт синовларини мардонавор енгиб ўтган Санобар Раҳмонова ҳозиргача ижод қиларди, изланишдан тўхтамайди. Пойтахтни оруз қилмасдан туриб, қишлоқда яшаб ҳам эл хурматиға эришиши, уларнинг севимли хонандаси бўлиш мумкинлигини амалда исботлади. Чунки унинг кўшиқларини тинглаб улғайган, шу руҳ билан санъатга кириб келган, ўз бахтини топиб, халқ артисти даражасига етган санъаткорлар ҳам уни устоз деб биларди.

— Онам ҳозир 94 ёшда, илоҳим, бахтимизга ҳамиша соғ-саломат бўлсинлар. Онажоним "Севимли" телеканалда Ўзбекистонда хизмат қўсатган артист Фарҳод Абдуллаев олиб борадиган "Эслаб-эслаб" кўрсатувини жуда яхши кўради, — дейди Санобар Раҳмонова. — Элимиз суйган санъаткорлар Муножат Йўлчиева ва Султонпошша Удаева шу кўрсатувда чиққанда менга: "Болам, шу кўрсатувга санам бир марта чиқсанг бўларкан", деганди. Онанинг истағи ижобат, деганларидай, қарангки, орадан уч кун ўтиб менга кўнгироқ қилишди, шу кўрсатувга қақчилришди. Турмуш ўртоғим, фарзандларим билан ўша кўрсатувда иштирок этдик, кўп хотиралар қайта уйғонди.


Ҳар баҳорда ям-яшил япроқ ёзган мажнунтоларни кўрсам, Ўзбекистон санъат арбоби, кинорежиссёр Хожимурод Иброҳимовнинг мен ҳақимда олган фильми, унда тасвирга олинган сочлари толим-толлим, оху кўзли Андижон қизлари ёдимга тушади. Илк бор мени "Андижоним" кўшиғи билан Ўзбекистонга танитган устозим Ғуломжон Рўзибоев кўз олдимга келди. Улардан бир умр қарздорман, миннатдорман.

Президентимиз сайловолди учрашувлари муносабати билан Андижонга келганида кўлар қатори кўришиш бахтига муяссар бўлдим. Шунда у киши телевидениеда берилган кўрсатувлардан бирида Шароф Рашидов ҳақида айтган гапларини эшитган экан, жуда хурсанд бўлганини айтди. Ўз навбатида, Президентимизнинг маданият, санъат аҳли, зиёлилар билан бўлиб ўтган учрашувда мен ҳақимда айтган бир оғиз гаплари ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборганини, ўзимни санъатда қайта тугилгандай ҳис қилганимни гапириб бердим. Умрлари узок бўлсин.

Жаннатмондан Ўзбекистонимизнинг оддий бир қизи сифатида одамлари мард ва танти, бағрикенч дийрда яшаётганимдан жуда бахтлиман. Фурурланаман, фахрланаман. Одамларимиздаги кўтаринки кайфият, эртанги кунга ишончини кўриб қувонаман. Яратилаётган имкониятлар, янгилашган мени ижод қилишга, янги-янги кўшиқлар яратишга ундайди. Юртимизнинг кўркам жамоли изланишларимга қанот бўлади.

Нуруллоҳ ОСТОНОВ («Халқ сўзи»).

ЮРТИМИЗНИНГ КЎРКАМ ЖАМОЛИ ИЗЛАНИШЛАРИМГА ҚАНОТ



лар олдин фонограмма сифатида ёзиб олинди, кейин съёмка қилинарди. Бунинг ўзига хос қийинчиликлари бор эди. Қизчани Тошкентга олиб келиб, съёмкага тайёрлаш керак, лекин бунга холаси рухсат бермайди. Хожимурод Иброҳимов вилоят раҳбари Бектош Раҳимовнинг қабулига кириб, фильм тайёрлаш бўйича мақсадларини айтди. У "Вилотимиздан шундай қизчамизнинг кўшиқлари фильм қилинади-ю, биз қарши

чиларга тақдим этилган аттестат унга берилмади. "Ҳужжатни вилот халқ таълими бошқармасидан оласиз", дейишарди. "Агар Тошкентга ўқишга бормайман, Андижонда қоламан, деган тилхат ёзиб, имзо қўйиб берсангиз, ҳужжатингизни берамиз", деди бошқарма бошлиғи. "Ким қўйган бундай шартни, нима, мен халқ душманманми?" деган саволга жавоб беришдан бўйин товлаб: "Юқоридан шундай топшириқ берилган", деб кўзини олиб қочади...

Машҳурлик ташвишлари

Бутун Ўзбекистонга машҳур бўлиб кетган фильмдан сўнг Санобарда бўш вақтнинг ўзи қолмади. Тадбирлар, учрашувлар усиз ўтмасди. Турли кўрсатувларга тақлиф қилинар, бирига бориб, бирига улгурмасди. Унга тақлид қилиб кўшигини айтадиганлар кўпайиб кетди. Иккинчи томондан, машҳурлик унга ташвиш ҳам келтирди. Кўз теғдими, бошқа бўлдимми, Санобар қаттиқ оғриб, анча вақт ётиб қолди.

Ана шундай бир пайтда, ўлганнинг устига тепаган, дегандай, тўйларда унинг кўшиқларини айтиб юрадиган сохта "Санобар Раҳмонова"лар сони жуда кўпайди. Тўшақда ётганида ўзини Санобар сифатида кўрсатиб, тўйма-тўй юрган ёш қизча сабаб эл орасида: "Санобар тўйма-тўй юрибди экан", деган хар хил миш-миш гаплар тарқалиб кетди. Оддий чўпон оиласида тарбия олиб, 13 ёшидаёқ бу қадар машҳурликка эришган қизалоққа ғайриқили билан қараб юрган маҳаллий амалдорлар буларнинг ҳаммаси ёлгон эканини билди турса-да, миш-мишлардан унумли фойдаланади. "Тўйларга бориб, пул ишлаб юрибди" деган баҳона билан республика ва вилоятда бўлиб ўтадиган турли тадбирларга қатнашишга йўл қўйишмайди.

Бунинг устига Шароф Рашидов вафот этганидан кейин маҳаллий ҳокимият раҳбарлари чўпон оиласига қуриб берилган уйни тортиб олмақчи бўлишарди. Ёки уйнинг пулини тўлаб қўйингллар, дейишарди. Берилган ўй учун

Касби — агроном, умри санъатга бахшида

Санобар Раҳмонова бошқарма бошлиғига берган ваъдасида турди — Андижон пахтачилик институтига ҳужжат топшириб, агрономликка ўқиди. Бир маҳаллада яшаб, бир мактабда ўқиган, битта институтда таҳсил олган Илхом Жўраевга турмушга чиқди. Ёш келин-куёв гарчанд агрономлик бўйича таҳсил олаётган бўлса-да, санъатга меҳри баланд эди. Шунинг учун улар аввал инсти-

тутнинг "Оқ олтин" ансамблида, кейинчалик Филармонияда фаолият кўрсатишарди. Қайси вилот, қайси туманда ҳўжалик ёки бригада пахта режасини бажарса, ўша ерга бориб, концерт қўйишарди. Бу кўши истеъдодли санъаткорнинг ширали овози, кўшиқларининг ўзига хос ихроси соҳа фидойиларининг эътиборига тушди. Улар касби агроном, умрини эса санъатга бағишлаган эр-хотинларни пойтахтда ўқиб, ижод қилишга тақлиф этишарди. Шарт-шароит яратиб беришни ваъда қилишарди. Бу тақлиф Илхом Жўраев рози бўлади, лекин Санобар Раҳмонова кўнмайди. Чунки турмуш ўртоғи оилада саккиз фарзанднинг кенжаси бўлиб, кексайиб қолган қайнониси ва қайнотаси уларнинг қарамонда эди. Санобар бу икки фаришта инсоннинг хизматини қилиб,

уларнинг бўйнига 27 миң рубль қарздорлик илашарди. Шундан кейин қарз-хавола қилиб, пул тўплаб, йиллар давомида емай-ичмай ана шу қарзни тўлашга мажбур бўлишарди, узларига совға қилинган ховли-жойни қайтадан сотиб олишарди.

Ана шундай ноҳақликларни кўриб-билиб туриб, ёрдам қилини чўзмаган, ҳатто бир оғиз сўз билан опатмаган, тасалли бермаган ёру биродарлари, мухлисларидан Санобар қаттиқ ранжиди, дили оғриди. Ўз ҳаётини бағишлашга қарор қилган санъатдан ҳам кўнгли совида, ҳаётдан безди...

Пойтахтга бориб ўқиш насиб қилмади

Санобарнинг номи ҳеч қаерда чиқ-

Бўламизми?" деб ота-онасидан рухсат олиб беради.

Шундан кейин Хожимурод Иброҳимов Санобарни Тошкентга, уйига олиб келади. Фильмида Санобар 8 та кўшиқ айтиши керак эди, шунга мўлжаллаб қўйлаб буюртиради. Кўшиқларини республика радиосида ёзиб олишарди. Ижро пайтида шу ерда бўлган Ўзбекистон халқ артистлари — Коммуна Исмоилова, Берта Давидова, Малоҳат Дадабоева ҳам Санобарнинг кўшиқларини мазза қилиб тинглашарди, келажакка омад тилашарди.

Ёш «чавандоз» хонанда

Фильми тасвирга олиш анча қийинчиликлар билан кечди. Албатта, бу давлат арбобининг топшириғи, уни юксак савияда олиш керак эди. Уч кун ичида Боғишамол майдони ўртасига катта саҳна қурилди. Лекин томошабинларни бир жойга йиғиш осон бўлмади. Шундан кейин Хожимурод Иброҳимов Мукаррама Турғунбоева билан гаплашиб, у раҳбарлик қилаётган "Баҳор" рақс ансамблини концерт қўйиш учун ўша ерга олиб келади. Бу ҳақда бир неча кун радио орқали эълон берилди. Ана шундан кейин Боғишамолга одамлар, айниқса, ёшлар оқиб кела бошлади, майдон одамга тўлади. "Баҳор" рақс ансамбли томонидан намойиш этилган концертдан фойдаланиб, ўша ерда Санобар Раҳмонованинг "Андижоним" кўшигини ёзиб олишарди.

Фильм олиниши жараёнида жуда жонли ва табиий кечади. Бир томонда қир-адирлар, бошқа томонда кўй-кўзилар, жонли табиат тасвирлари, шабада эсиб турибди. Лекин ўша пайтда кун иссиқ, сув етишмайди, ҳамма чанкаган. Шундан кейин сув ташиб келтириб беришган. Учта оператор илашайди, тасвирга олиш учун, ҳатто махсус самолёт ҳам ажратилади. Операторлар тепадан учиб ўтаётган самолётдан туриб Санобарни ва унинг кўшиқларини тинглаётган томошабинларни қайта-қайта тасвирга олишарди. Чунки у пайтда кинолар плёнка, яъни кинотасмада олинарди, дубль қилин-маса, бир марта олинганида яхши чиқмай қолши эҳтимоли бор эди. Худого шукр, ҳамма съёмкалар яхши чиқди.

Бошқа бир кўшиққа қўйилган тасвирлар Тошкентда олинди. Санобарга мактаблардан биридан ўқувчилар киядиган либос топиб келишарди, яна иккита ўқувчи қизни ҳам суратга тушасизлар, деб ёнига қўйишарди. Бошқа бир съёмкада Санобар отасининг оти-

Завқли фильм қандай тасвирга олинган?

Ўша пайтда телевидениенинг мусика тахририятида режиссёр бўлиб ишлаётган Хожимурод Иброҳимовга Андижоннинг Асака туманидаги "Правда Востока" колхозида яшаётган бир чўпоннинг санъатга жуда ҳаваси баланд қизи борлиғи, шунки бориб кўриб, агар арзиса, фильм қилиш ҳақида топшириқ берилади. Аввалдан улғу санъаткорлар ҳақида ҳужжатли фильмлар олиб юрган тахрирбали кинорежиссёр тахририятда фаолият кўрсатаётган шоир Анвар Исроилов билан Андижонга боради. Санобар ўқийдиган мактабга уларнинг

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 841. 32 145 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. Газетанинг ҳақидаги маълумотларни оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонинг орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55. МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиев. Мусаҳҳих — Ш. Машраббеов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.45 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5 6